

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрида Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 25 181,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 3,9 % га ўсди.

2018 йил январь-декабрь яқунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 6 895,7 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,2 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Фарғона вилоятининг қўшган ҳиссаси 6,2 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-декабрь)

	Млрд.сўм		2017 й. га нисбатан % да
	2017 й.	2018 й.	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>19 837,5</b>	<b>25 181,2</b>	<b>103,9</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	18 858,3	23 812,3	103,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	979,2	1 368,9	105,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>18 858,3</b>	<b>23 812,3</b>	<b>103,8</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7 256,7	9 345,3	101,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4 601,2	6 122,2	105,7
саноат	3 713,3	4 907,4	104,8
қурилиш	887,9	1 214,8	109,6
Хизматлар	<b>7 000,4</b>	<b>8 344,8</b>	<b>104,7</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 615,3	1 971,8	104,6
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	1 579,4	1 718,6	105,6
бошқа хизмат тармоқлари	3 805,7	4 654,4	104,3

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,7 %, (ЯХМ таркибидаги улуши – 39,2 %), саноат – 104,8 % (20,6 %), қурилиш – 109,6 % (5,1 %) ва хизматлар соҳаси – 104,7% (35,1%).

### 2018 йилнинг январь-декабрида ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




### Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯХМнинг 94,6 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 5,4 % ини ташкил этди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,7 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 39,2 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,3 % пунктга ўсди ва 25,7 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 35,1 % ни ташкил этди ва 2017 йил мос даври (37,1 %) билан таққосланганда 2,0 % пунктга камайди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

